



## Шумланиш ширкдир! (Бу сўзларини уч бора такрор айтдилар) Шумланувчилар биздан эмасдир, магар, қалбига беихтиёр келганлар мустасно. Лекин Аллоҳ (қалбга беихтиёр келган ёмон ҳаёлни) таваккул билан даф қилади», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Шумланиш ширкдир! (Бу сўзларини уч бора такрор айтдилар) Шумланувчилар биздан эмасдир, магар, қалбига беихтиёр келганлар мустасно. Лекин Аллоҳ (қалбга беихтиёр келган ёмон ҳаёлни) таваккул билан даф қилади», - дедилар».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўриладиган ёки эшитиладиган ҳайвону қушлар, оҳ-охчилар, рақамлар, кунлар ёки шу каби нарсалардан шумланишдан огоҳлантирдилар. (Ҳадисда қуш билан шумланиш деб келган) қуш зикр қилинганининг сабаби, жоҳилиятда шу машҳур эди. Сафар, тижорат ёки шу каби ишларни бошлашдан олдин қуш учирисар эди. Агар ўнг томонга учса, яхшилик аломати деб ишида давом этар эди. Агар чап томонга учса, ёмонлик аломати деб тўхтар эди. У ширк эканини хабар бердилар. Шумланиш ширк дейилди, чунки, яхшиликни жалб қилувчи ҳам, уни даф қилувчи ҳам фақатгина шериксиз Аллоҳдир. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу муслмоннинг қалбига шумланиш тушиши мумкинлигини, Аллоҳга таваккул қилиш ва сабабларини бажариш билан шумланишни даф қилиш лозим эканини зикр қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3383>

